



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

## Тўрт тимсол шарҳи

Олдинги мақолаларимизда ("Фарҳоднинг ташрифи", "Тўрт қаср тарҳи", "ЎзАС", 2012 йил, 20-январ ва 8-июн сонлари) ҳазрат Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" дostonи илк боблари, Фарҳоднинг туғилиши, тарбия олиши ҳамда асардаги тўрт қаср ва ундаги равзалар тасвирига доир фикр-мулоҳазаларни баён этгандик. Қўйида мазкур дostonга доир кузатувларимизни давом эттириб, Фарҳоднинг ҳоконлик ҳазинасида сандиқда сақланаётган кўзгуни кўриб қолиши, унинг тилсимини очиб ниятида Юнон мулкига отланиши, сафар давомида тўрт манзилда тўсиқ ва ғовларга дуч келиши билан боғлиқ воқеалар талқинини шарҳлашга уриниб кўрмоғчимиз.

Хўш, Фарҳод кўриб қолган бу кўзгу қандай маънони англатади ва мазкур дoston сюжетида у нима мақсадда олиб қилинган? Нега кўзгуда дастлаб ҳеч нарса кўринмайди? Фарҳоднинг кўзгу тилсимини очиб унинг Юнон сафарига чиққанининг моҳияти нимада? Мўтабар манбаларда кўзгу кўнгил тимсоли ва рамиз сифатида талқин қилинган, маънавий қувват, эътиқод ва завқ манбаи, илоҳий маърифат ойнаси ва жилвагоҳи ҳисобланган. Илоҳий нур жилва қилиши учун дил ойнасини гард-ғубордан тозалаш керак, дейилади. "Фарҳод ва Ширин" дostonида ҳам кўзгу қалб ва руҳ оламига йўл топилиб, Фарҳоднинг басират ва ақлдор кўзи очилганига ишора қилинади. Лекин дастлаб кўзгу тилсими очилмагани боис Фарҳод кўзгуга қараганда унда ҳеч нарса акс этмайди. Бунинг сабаби шуки, тилсим сир-асроридан воқиф бўлиш учун тўрт манзил ҳамда улардаги тўсиқ ва ғовдан охириб ўтилиши керак:

Буруши манзил ичра аждоҳое,  
Яратқон тенгри қаҳридин балое.  
Иккинчи манзил ичра Аҳраман бил,  
Анга белоду офат даъбу фан бил.  
Учунчида тилсими бул-ажаб соз,  
Бу иккидин доғи мушқилрак ул роз.  
Бу уч манзилдин ўтқорғонга маҳмил,  
Дейилгон тоғ эрур тўртинчи манзил.

Навоийшунос олим Нажмиддин Комиловнинг "Фарҳод ва Ширин" дostonига бағишланган тадқиқотида аждоҳони нафс, Аҳраман дев салтанат (ҳокимлик) ва темир пайкар рўё-ёлгон тимсоли сифатида талқин этилган. Бу талқинга қўшилган ҳолда, тўрт манзил деганда асосан нафс, қалб, руҳ ва ақл назарда тутилганини ҳам диққатдан қочирмаслик керак. Манбаларда қайд этилишича, одамзот вужудини шу тўрт асос ташкил этади ва уларни бу дунё манзилидан тоза ва пок ҳолда олиб ўтиш буюрилган. "Неким олимга ёзмиш килки тақдир, манга йўқтур уни кўрмакка тадбир", дейди Фарҳод.

### Навоий гулшани

Давоми учинчи саҳифада.



## ЯХШИ ЛИБОС ТАНГА ОРОЙИШ

Ҳар гал ўзбек миллий либослари намоишини томоша қилсам кўклам нафаси димоғимга урилгандай бўлади. Кўз олдимда жиждираб оқаятган жилға, ям-яшил адир, қийос очилган гуллар жонланади. Хонатлас, адас, банорас ва беғасам камалакдек товланади. Табиат ва инсон руҳиятидаги бу уйғунлик аждоҳларимиз зақосидан далолат бераётгандай.

... Самарқанддаги Регистон майдонига "Интурист" автобуси келиб тўхтади. Ундан тушган хорижлик сайёҳлар тарихий обидаларимизга ҳайрат ва ҳавас билан тикилишар экан, иттифоқо

### Қадрият ва замон

шу атрофдан ўтиб кетаётган бир гуруҳ қизларга маҳлиё бўлиб қолишди. Уларнинг эғнидаги атлас кўйлақлар, духонаб нимчалар, ироқи дўппилар ва албатта, қирққоқил сочлари кимларни мафтун этмади...

Халқимизда «Ҳаё ва ибонинг ташки кўриниши — кийимдир», деган ҳикмат бор. Зеро, Алишер Навоий бобомиз бир байтида:

Яхши суҳан жонга оройиш,  
Яхши либос танга оройиш,

— деб бежиз ёзмаган.

Тарихий асарларда қайд этилишича, Хорун ар-Рашид даврида самарқандлик чеварлар Бағдодга бориб, сарой аёллари учун кийим-кечаклар тикиб келишган. Чунки улар кийимларда аёлни ҳаё-ибоси билан бутун гўзаллигини нурлантириб юборувчи тарҳу бичимларни жуда яхши қўллаб билишган экан.

Давоми иккинчи саҳифада.

## "УМРБОҚИЙ КЎШИҚЛАР"

Асрлар давомида халқ ҳофизлари томонидан севиб қўйлаб келинган ва ҳозирги кунда ҳам авж пардаларда янграётган кўплаб умрбоқий мумтоз кўшиқларимиз борки, улар ўзбек миллий кўшиқчилиги санъатининг олтин фондидан жой олган. Халқ орзу-армонларининг ифодаси бўлган бу кўшиқларга ҳар бир замоннинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади.

Мумтоз кўшиқларга муҳаббат ҳеч қачон сўнмаган. Ҳозирги кунда ҳам хонандаларимиз мумтоз кўшиқларга тез-тез мурожаат қилмоқдалар, баъзан уларни замонавийлаштириб, эстрада йўлида қўйламоқдалар. Бу бежиз эмас. Зеро, санъат бўстонида кириб келган ҳар бир ёш хонанданинг ҳам улғу салафлар «панжасига панжа» ургиси, улар маромига етказиб қўйлаган мумтоз кўшиқларни ижро этгиси келади. Лекин бу кўшиқларнинг ишончли ва мукамал матнини излаб топиш улар учун ҳаммаша ҳам осон кечавермайди. Бу ишда уларга ижод аҳли, ноширлар кўмак бериши керак.

Ана шу орзу-ният натижаси ўлароқ "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан нашр

қилинган икки жилдли "Умрбоқий кўшиқлар" китобидан эликдан зиёд мумтоз сўз санъаткорининг ғазал, мустаҳзод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржеъбанд, таркибанд, соқийнома, рубоий жанрларидаги кўшиқ қилиб айтиладиغان 800 га яқин шеърлари жой олган. Шунингдек, тўпلامда бу асарларга уч мингтача шарҳ ва изоҳ ҳам берилган.

Китобни нашрга тайёрлаган, изоҳлар билан таъминлаган филология фанлари номзоди Эргаш Очилов тўпلامнинг биринчи жилдидаги сўзбошида ёзганидек, мазкур кўшиқлар тўплами санъат ва маданият аҳли — бастакорлар, хонандалар, ўқитувчи ва талабалар учунгина эмас, балки мумтоз адабиёт ва кўшиқчилигимиз муҳлиси бўлган кенг китобхонлар оммаси учун ҳам ўзига хос қўлланма бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, "Умрбоқий кўшиқлар" нафақат мумтоз кўшиқларга ихлос қўйган санъаткорларимизга, шунингдек кўшиқсевар халқимизга ҳам муносиб тўхфадир.

Китобга Аҳрор Аҳмедов муҳаррирлик қилган.



## ОБОД ТУРМУШ КЎРКИ

### Кўرғазма запаршас

Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Обод турмуш йили"га бағишлаб "Хунар — обод турмуш кўрки" номи кўрғазма очилди.

Кўрғазмада аънавий ўзбек хонандонидан манзаралар берилиб, музей заҳирасида сақланаётган қадимги санъат асарлари ҳамда замонавий хунарманд усталар яратган турли-туман амалий санъат намуналари намоиш этилмоқда. Айниқса, каштачилик, кулчилик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, мисгарлик буюмлари, чиннидан ишланган асарлар томошабинларда катта таассурот қолдиришмоқда.

Кўрғазма доирасида беқободлик моҳир хунарманд Маълуда Аведова каштачилик бўйича маҳорат дарсларини ўтди. Каштадўзнинг шогирдларидан жияни Алсу Аюпова тиккан каштачилик буюмларидаги сержило ранглар, маҳорат билан танланган нақшлар, бежирим ва пухта чоклар муҳлисларга завқ улашди.

Муҳаммаджон РЎЗИМАТОВ



А. ПОПОВ олган сурат.

## МОҲИР РАССОМ, МЕҲРИБОН МУРАББИЙ

Ўзбекистон Бадий академиясида моҳир мусаввир Орифжон Муинов ижодида мансуб асарлар кўрғазмаси ташкил этилди. Кўрғазма очилишида санъатшунослар, расом ва ҳайкалтарошлар, уста ва хунармандлар, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртожиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий тасвирий санъатимиз ривожини йўлида самарали меҳнат қилган ижодкорлар фаолиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

1950 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган О.Муинов юртимиз ва хорижий давлатлардаги қатор кўрғазмалар ва ижодий анжуманларда фаол иштирок этган. «Бибихоним» портрети Италиянинг «Марко Дотрино» галереясида ўрин олган.

Мўйқалам соҳиби Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида кўп йиллар талабаларга

тасвирий санъат сирларидан сабоқ берган. Мазкур кўрғазмада рассомнинг қирқдан ортиқ асари намоиш этилмоқда.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири



Мафтун  
МУҲАММАДАМИНОВА

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири











